

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази**

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим
муассасаларининг 4-синфи учун
Одобнома фанидан 0,5 соатга
қисқартирилган**

Ўқув дастури

ТОШКЕНТ- 2015 йил

Тузувчи муаллифлар:

З.Замонов – Республика таълим маркази

**“Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига
кирувчи фанлар бош мутахассиси,**

М.Холиқова, Ш.Эргашева – 4-синф Одобнома дарслиги муаллифлари.

УЎҚИТИРИШ ХАТИ

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар дастурларининг биринчи босқичида, бошланғич синфларда ўқитиладиган “Одобнома” фани ҳисобланади. Мазкур фан 1-4 синфлар кесимида ҳар бир синфда 34 соат ҳажмида ўқитилади.

4-синфда ҳам “Одобнома” фани 34 соат ҳажмида ўқитилади. Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг 4-синфлари учун Одобнома фанидан 34 соатлик ҳажмда берилган мавзулар қисқартирилиб, кичик мавзучалар асосий мавзулар ичига сингдириб юборилди ва 0,5 соатга қисқартирилди.

“Одобнома” фанининг мақсад ва вазифаси ёш авлод қалбига миллий ва умумбашарий қадриятлар асосидаги одоб-ахлоқ меъёрларини сингдиришдан иборат.

“Одобнома” дарслари ўқувчиларда миллий мафкурамизнинг асоси бўлган ахлоқ-одоб меъёрларининг дастлабки тушунчалари, умуминсоний қадриятларнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу тушунчалар халқ оғзаки ижоди, ибратли ривоятлар, мақоллар, таниқли адибларнинг кичик ҳикоялари, шеърлари орқали шакллантирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида “Конституция алифбоси” курси “Одобнома” фани таркибига сингдириб ўқитилади.

Билим:

- Ўзбекистон – маданий ва маънавий меросларга бой ўлка эканлигини билиш;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатнинг Асосий қонуни эканлигини билиш;
- Давлат рамзлари ҳақида билиш;
- Давлат тили ҳақида маълумотга эга бўлиш
- Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тушунчалари ҳақида билиш;
- Юртимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари, оилавий анъаналар ҳақида билиш;
- мусиқа чолғу асбоблари ҳақида билиш;
- кўшиқчилик санъатининг ўзига хослиги, унинг инсон руҳиятига таъсирини билиш;
- мактаб энг улуғ даргоҳ эканлигини билиш

Кўникма:

- Ўзбекистон маданий ва маънавий меросларга бой ўлка эканлигини англаш;

- Мустақиллик йилларида тикланган тарихий обидалар, ёдгорликлар. Фарғоний, Марғиноний, “Алпомиш” монументи, “Авесто” монументи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- Амалий санъат турлари (халқ ҳунармандчилиги: кулолчилик, миллий кийимлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, чилангарлик, заргарлик тушунчалари)ни бир-биридан ажрата олиш;
- Мусиқа тинглаш одобига эга бўлиш;
- Эзгу фазилатлар – инсон кўрки эканлигини англаш.

Малака:

- Давлат рамзларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш;
- мактабнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш ва уни тарғиб қила олиш;
- бошқа миллатларнинг тили, қадриятларини ҳурматлаш;
- олган билимлари асосида мустақил фикр юрита олиш;
- дарсликда берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ҳаракат қилиш;
- матнда берилган воқеаларга мустақил равишда муносабат билдира олиш;
- ўз фикрини одоб доирасида, эркин ифодалай олиш;
- яхши ва ёмон одатлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- эртаклари ва ривоятларга муносабат билдира олиш, мазмунини гапириб бериш, хулоса чиқариш;
- уй вазифаларини ўз вақтида бажариш;
- мусиқа тинглаш одобига риоя қилиш;
- бўш вақтини тўғри ташкил қила олиш.

**Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг
4-синфлари учун Одобнома фанидан 0,5 соатга қисқартирилган
ўқув дастурининг мавзулари**

1 боб. Ўзбекистон – маданий ва маънавий меросларга бой ўлка.

1-дарс: Ўзбекистон – она диёр (1 соат).

Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат.

Юрт – тинчлиги, эл – бойлиги.

Барча миллатлар тенг ҳуқуқли, дўст-биродардирлар.

2-3-дарс: Ўзликни англаш (2 соат).

Аждодларимиз ардоқлаган қадриятлар.

Ўзбекистон – маданий ва маънавий меросларга бой ўлка.

Давлат тили. Тилга эътибор – элга эътибор.

Мустақиллик йилларида тикланган тарихий обидалар, ёдгорликлар.
Фарғоний, Марғъиноний, “Алпомиш”, “Авесто” монументлари.

4-дарс: Назорат иши (1 соат).

5-дарс: Меросимиз – фахримиз (1 соат).

Амалий санъат турлари (халқ хунарамандчилиги: кулолчилик, миллий либослар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, чилангарлик, заргарлик).

Юртимизда нишонланадиган умумхалқ байрамлари. Оилавий анъаналар.

Муסיқанинг инсон ҳаётидаги ўрни. Чолғу асбоблари.

Мамлакатимиз ҳудудларида қўшиқчилик санъатининг ўзига хослиги.
Муסיқа ва қўшиқнинг инсон руҳиятига таъсири.

6-7-дарс: Конституциямиз – бахтимиз пойдевори (2 соат).

Конститутсия – Асосий қонун. Болалар ҳуқуқларининг таъминланиши.

Бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз. Қонун, қоида. Тартиб тушунчалари.

Давлатни ким бошқаради?

8-дарс: Такрорлаш (1 соат).

9-дарс: Ватанимиз посбонлари (1 соат).

Юрт тинчлиги учун барчамиз масулмиз.

Бизнинг армия. Биз Ватаннинг бўлғуси посбонларимиз.

Ватан олдидаги бурч ва садоқат.

10-11-дарс: Бизнинг соғлигимиз – мамлакатимиз бойлиги (2 соат).

Соғлом турмуш тарзи. Одам ва унинг соғлиги.

Оналик ва болалик давлат муҳофазасида.

12-дарс: Назорат иши (1 соат).

13-дарс: Касблар оламига саёҳат (1 соат).

Хунарнинг ёмони бўлмайди. Хунарли унар.

Касбларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Меҳнат қилиш ва касб танлаш ҳуқуқи.

2 боб. Ўзгулик – комилликка етаклайди.

14-дарс: Ўзгу фазилатлар – инсон кўрки (1 соат).

Яхшиликка яхшилик – барчанинг иши, ёмонликка яхшилик – марднинг иши. Ўзгулик – комилликка етаклайди.

Инсоннинг дунёқараши унинг маънавиятини белгилайди.

15-дарс: Сехрли сўзлар (1 соат).

Сўзнинг кучи. Тиғ билан етказилган жароҳат – тил билан етказилган жароҳатдан кўра енгил.

16-дарс: Иморатлар ичида энг улуғи...

Мактаб – энг улуғ даргоҳ. Оз бўлса ҳам билмоқ учун кўп ўқимоқ керак. Ўқишсиз ҳақиқий билим бўлмайди.

17-дарс: Ахлоқ-одоб қоидалари (1 соат).

Амалий машғулот

**4-синф “Одобнома” фанидан 17 соатлик
ТАҚВИМ-МАВЗУ РЕЖА**

№	МАВЗУ	соати
	1-чорак	
	1 боб. Ўзбекистон – маданий ва маънавий меросларга бой ўлка.	
1-дарс	Ўзбекистон – она диёр	1
2-3-дарс	Ўзликни англаш	2
4-дарс	Назорат иши	1
	Жами	4
	2-чорак	
5-дарс	Меросимиз – фахримиз	1
6-7-дарс	Конституциямиз – бахтимиз пойдевори	1
8-дарс	Такрорлаш	1
	Жами	4
	3-чорак	
9-дарс	Ватанимиз посбонлари	1
10-11-дарс	Бизнинг соғлигимиз – мамлакатимиз бойлиги	2
12-дарс	Назорат иши	1
13-дарс	Касблар оламига саёҳат	1
	Жами	5
	4-чорак	
	2 боб. Ўзгулик – комилликка етаклайди.	
14-дарс	Ўзгу фазилятлар – инсон кўрки	1
15-дарс	Сохрли сўзлар	1
16-дарс	Иморатлар ичида энг улуғи...	1
17-дарс	Ахлоқ-одоб қоидалари. (Амалий машғулот)	1
	Жами	4